

**САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ, ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ  
АЖРАЛМАС БЕЛГИСИ, ХАЛҚ ХОҶИШ-ИРОДАСИНинг ЭРКИН ИФОДАЛАНИШИ, ФУҚАРОЛАР  
ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШИНинг АСОСИЙ ШАКЛИДИР.**



# O'ZBEKISTON OVOZI

**IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA**

**SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!**

● 2009-yil ● 17-noyabr ● Seshanba ● 134 (30.094) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди энг кам: иш ҳақи — ойига 37 680 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 74 660 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 37 680 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 74 660 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 45 220 сўм миқдориди белгилансин.

3. Белгилансинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,12 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқирилиши инobatга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ун кун мuddатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқирилиши таъминласин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2009 йил 16 ноябрь

Хабарингиз бор, 2009 йил 10 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойи бўлиб ўтди. Унда делегатлар партиянинг 2005-2009 йиллардаги фаолиятини муҳокама этиб, шу йил охирида бўлажак сайловлар муносабати билан партиянинг устувор ташкилий ва сиёсий вазифалари белгилаб олинди.

Бугун жойларда партиямиз фаоллари қурултой кўриб чиққан масалалар, қабул қилган қарорлар юзасидан ўз муносабатини билдирмоқдалар.

## ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДИР



**Раимберган  
САБУРОВ,  
ЎзХДП Хоразм  
вилоят  
кенгаши раиси**

Мамлакатимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб, сиёсий партияларнинг ҳаётдаги ўрни ва таъсири ортиб бораёпти. Партиямизнинг электорат хохиш-иродасини ифодалаш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришга таъсир кўрсатиш салоҳияти ошаётгани ҳам ана шу ислохотлар натижасидир.

Сиёсий партиянинг асосий мақсади давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини кўпроқ ўринни эгаллаш орқали ўз дастурида эълон

қилинган мақсадларни ҳаётга татбиқ этиш, электорати манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бизнинг партиямиз ҳам шу эзгу мақсад йўлида курашиб келмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг стратегик вазифасидир. Шундан келиб чиқиб, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи вилоят Кенгашининг доимий комиссиялари билан ҳамкорликда тегишли корхона ва ташкилот раҳбарларининг белгиланган ижтимоий вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳисоботларини тинглаш амалиётини кенг қўлламоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ПАРТИЯВИЙ ИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ — ДАВР ТАЛАБИ



**Толиб АВЕЗОВ,  
Ўзбекистон ХДП Вобкент  
туман кенгаши раиси,  
халқ депутатлари туман  
кенгашидаги депутатлик  
гуруҳи раҳбари**

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётининг бугунги босқичида сиёсий партиялар ўртасида кучли рақобат вужудга келди. Бу, айниқса, сайловларга тайёргарлик пайтида яққол кўзга ташланмоқда. Ана шу жараён партиявий ишга янгича ёндашув зарурлигини талаб этаяпти.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ўтган сессиялар кун тартибига партиямиз электорати манфаатлари билан бевосята боғлиқ бўлган қатор масалаларни киритди. Улар асосида жойларда амалий ишлар бажарилди.

Аммо бугун депутатлар, депутатлик гуруҳи фаолиятини янгича асосда ташкил этишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Оддий саволни ўзимизга берай-

лик. Партиямиз дастурий мақсадларини жойларда, айнан туманлар, шаҳарлар, қишлоқларда бажарилишини ким таъминлайди? Афсуски, барча депутатларимиз, депутатлик гуруҳларимиз бу масала бевосята уларнинг ўзларига, масъулиятига боғлиқлигини тушуниб етмаёпти.

(Давоми 2-бетда)

# МУСТАБИД ТУЗУМ САРҚИТИ

**Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг ҳозирги шаклдаги фаолиятини шундай таърифлаш мумкин**

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидан чиқиб ҳақидаги қарори сўнгги пайтада хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди.

Бироқ, шунга таъкидлаш керакки, ушбу масала юзасидан билдирилган кўплаб фикрлар ва шарҳлар юзаси бўлиб, барчага маъмул далил ва мулоҳазаларни такрорлашдан нарига ўтмайди, афсусланарли хижати улар, бу борадаги ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мавжуд Бирлашган энергетика тизими фақат собиқ СССР — унитар давлатни ривожлантириш мақсадида келиб чиқиб ташкил этилган эди. Бошқача айтганда, уни ташкил этишда умумий ҳудуднинг бир қисми сифатида қаралган, ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмаган собиқ иттифоқ республикаларининг манфаатлари инobatга олинмаган. Гап шундаки, собиқ иттифоқчи рес-

публикалар ҳудудидидаги энергетика тизимини молиялаш, режалаштириш ва ривожлантириш ишлари СССР энергетика вазирлиги орқали ягона марказдан амалга оширилган эди. Яъни, Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг фаолияти амалда иттифоқ энергетика вазирлиги бюджетидан молиялаш йўли билан таъминланган эди.

Собиқ иттифоқ ва унинг ягона энергетика тизими парчалангандан сўнг бу борадаги вазият нудан ўзгарди. Марказий Осиё давлатлари ўз муаммоларини ўзи ҳал этишга мажбур бўлди.

Шуни очиб айтиш керакки, собиқ иттифоқ парчалангандан кейинги даврда Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими ҳеч қандай ваколат ва ҳуқуқларсиз фаолият кўрсатар, у фақат куруз ваъдаларга асосланган эди. Мазкур тизимнинг айрим иштирокчилари ўз манфаати учун электр энергиясини ҳеч қандай назоратсиз ва ўз билганича ола бошлагач, бу тизим

ғоят заифлашиб қолди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, экстремал шароитларда, айниқса қиш мавсумида бу энергетика тизими юзга кела бошлади.

Бундай ҳолатлар Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими фаолиятида узиллишлар рўй беришига сабаб бўлди ва бу қўшни мамлакатларга жиддий салбий таъсир ўтказмай қолмади.

Қозғонистоннинг 2009 йилнинг январидан то мартгача Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимини тўхтатишга мажбур бўлгани бунинг яққол далилидир.

Яқинда, яъни шу йил 9 ноябрь кунини тоғда Нурек ГЭСида агрегатларнинг ўз-ўзидан тўхтаб қолиши оқибатида рўй берган тизимли авария туфайли Тожикистон энергетика тармоғининг жанубий қисми бутунлай узилди қолди. Тожикистоннинг Вахш дарёсидаги барча ГЭСлари, жумладан, яқинда ишга туширилган

Сангтудин ГЭСи ҳам автоматик тарзда тўхтаб қолди. Экспертларнинг фикрича, мазкур авария эрталаб электр энергиясини истеъмол қилиш ҳажми ниҳоятда ошиб, захира қувватлари мавжуд бўлишига қарамасдан, энергия ишлаб чиқариш ҳажми тизимда талаб этилган эктиёждан анча кам бўлгани сабабли технологик режимларнинг кўпол бузилиши оқибатида юз берган. Бундай вазиятда ортқича энергия истеъмолини узиб қўядиган авария автоматикаси ҳам, мазкур жараённи тезкорлик билан бошқариши лозим бўлган диспетчерлик хизматлари ҳам иш бермаган.

Афсуски, ушбу авария Ўзбекистон энергия тизимига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Натижада мамлакатимиз энергия тизимининг Сурхондарё вилоятидаги магистрал электр узатиш линияси ўчиб қолди.

Бугун юзга келган вазиятдан иккита қатъий хулоса чиқариш

мантқан тўғри бўлади. Биринчидан, унитар давлат бўлган СССРдаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб ташкил этилган Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими ва «Энергия» мувофиқлаштирувчи диспетчерлик марказининг фаолиятини бундан бўён ҳозирги ҳолатда, зарур ваколат ва ҳуқуқларсиз таъминлаб бўлмайди. Боз устига тизимда рўй бераётган қонунбузарликлар ва тармокдан электр энергиясини ноқонуний олиш ҳолатлари миллий энергетика тизимларининг барқарор ҳамда ишончли ишлашига жиддий хавф солади.

Иккинчидан, истиқболда миллий энергетика тизимлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ барча масалаларни халқаро таърибага таянган ҳолда, Марказий Осиё давлатларининг икки томонлама ҳамда кўп томонлама келишуви асосида ҳал этиш мақсадида мувофиқдир.

**О.РАЖАБОВ,  
шарҳловчи.**

Хар қандай давлат ва жамиятда сайловлар жараёнида фуқароларнинг фикри, хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари ва кайфияти яққол намоён бўлади.

# ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ҚОНУН БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНГАН

Конституциямизнинг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Хар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Бундан ташқари, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа қонунлардан иборат бўлган сайловга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сайлов соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келади.

Депутатлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали сайланади. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда очиклик ва ошкораликни таъминлаш Ўзбекистон сайлов тизимининг асосий тамойилларидан ҳисобланади. Барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятида қонунийлик, коллегиялик, мустақиллик ва адолатлик таъминланади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш борасида муҳим вазифалар белгиланди. Ўтказилаётган сайловларнинг умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги таъминланмоқда. Бу борада БМТнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим ўрин тутди. Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасига мувофиқ, хар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси ҳукмат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пактнинг 25-моддасига асосан, хар бир фуқаро камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

— ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

— умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчининг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

— ўз мамлакатда умумий шартларда давлат хизматида қирришда тенгликка йўл қўйиш.

Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатига халқ хоҳиш-иродаси ҳукмат ҳокимиятининг асоси бўлиб хизмат қилиши учун фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқини кафолатлаш, овоз бериш яширин ўтказилишини ёки эркин овоз беришга тенг бўлган тартибот қўлланилиши ва овозларни ҳисоблаш яқунлари ҳаққоний бўлиши, унинг расмий яқунлари эса матбуотда эълон қилинишини таъминлаш кўзда тутилган. Демак, хар бир фуқаронинг овози давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Бундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишини таъминлайди. Бу конституциявий ҳуқуқ сайловларда қатнашиш орқали амалга оширилади.

Дарҳақиқат, сайловларсиз ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Сайловлар — бу давлат ҳокимиятини шакллантиришда фуқаролар иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий воситасидир. Шу сабабли, сайловлар энг муҳим демократик институт, халқ хоҳиш-иродасининг олий шакли ҳисобланади. Эр-

кин сайловлар нафақат ҳокимиятни сиёсий ҳуқуқларнинг асосини ташкил этади. Тенг сайлов ҳуқуқини таъминлаш нафақат умуминсоний, балки миллий қадрият ҳамдир. Тенг сайлов ҳуқуқи мамлакатимизнинг сайловга оид қонунларида мустаҳкамланган энг муҳим принцип ҳисобланади. Бу принцип хар бир сайловчи битта овозга эга бўлишида, барчага сайлов талаблари тенг татбиқ этилишида ҳамда бир хил ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилишида яққол намоён бўлади. Депутатликка номзодлар ҳам қонун олдидан тенг бўлиб, уларга бир хил қоидалар татбиқ этилади. Шунингдек, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиш қилиш учун тенг шарт-шароит ва имконият кафолатланади. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ходимлари, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, ўз соғлигини тиклаётган, даволанаётган олис ва бориш қийин бўлган ерларда истикомат қиладиган фуқаролар — бир сўз билан айтганда, барча тенг сайлов ҳуқуқига эга ва ҳаммага сайловда овоз бериш учун шароит яратилади.

Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш, яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни махсус ажратилган биноларда ташкил этиб, фуқароларга хоҳиш-ирода эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратадилар. Сайловчиларнинг хоҳиш-ирода билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга туладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудига доимий ёки вақтинча истикомат қилиб турган фуқаролар сайловчилар рўйхатида киритилиш ҳуқуқига эгадирлар. Хар бир сайловчи фақат битта сайлов-

чилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайловчиларга участка сайлов комиссиясининг биносидан сайловчилар рўйхати билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти таъминланади.

Бугун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида тузилади. Хар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Сайловчилар сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва айрим номзодларнинг келгуси фаолият дастури билан танишиш ҳуқуқига эгадирлар. Сайлов кунини ўз турар-жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларга олдинроқ овоз бериш имконияти яратилади. Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Участка сайлов комиссияси овоз беришни ана шу сайловчи турган жойда ташкил этиш шарт.

Шуни таъкидлаш жоизки, хар бир сайловчи Конституция-мизнинг «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафқура ва фирқаларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган нормаларига таяниб, ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириши кафолатланади. Шубҳасиз, сайловнинг умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ ўтказилиши ўз навбатида, мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигининг амалдаги ифодасини яна бир қадар намоён этади.

**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор.

# ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

электорат манфаатини ҳимоя қилишдир

Депутатлик гуруҳи томонидан сессиялар муҳокамасига бир неча муҳим масалалар киритилди. Уларни тайёрлаш жараёнида депутатлар тегишли соҳалардаги аҳволни чуқур ўргандилар. Масалан, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик, аҳоли электр энергияси, табиий газ билан узлуксиз таъминлаш масаласи бизнинг ташаббусимиз билан вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этилди. Бу ҳақда тегишли идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Шунингдек, коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича мутасадди қорхона ва ташкилот раҳбарларининг фуқаролар билан мулоқоти ташкил этилди.

ган «Хоразм вилоятида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг 2008-2009 ўқув йили битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури»га мувофиқ, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг меҳнатидан унумли фойдаланиш, уларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини амалга оширилди. Битирувчиларнинг ишга жойлашганлиги юзасидан мониторинг, жамоатчилик назорати ташкил этилди. Таҳлиллардан келиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди, туман, шаҳар Бандликка кўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда амалий ишлар қилинмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 7 сентябрдаги «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатиши янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ҳамда касаначилик асосида аҳолининг бандлигини таъминлаш юзасидан қабул қилинган маҳаллий дастурларнинг жойларда бажарилиши мониторинги ўтказилди. Аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича мутасадди идораларга сўровлар юборилди.

Аммо, ўтган даврда кўп камчиликларга ҳам йўл қўйдик. Бизга ишонган, муаммоларини ҳал этиш учун дадил ташаббуслар билан чиқишимиздан умидвор кишиларни ташвишлантираётган масалаларни биров ечиб беришини кутиб ўтириш бизга асло ярашмайди. Очигини тан олайлик, айрим депутатлик гуруҳлари фаолияти талаб даражасида эмас. Ўз худудларида уларнинг таъбири сезилмаяпти. Дастурий мақсадларимиз ижроси юзасидан ташаббуслар билан кам чиқяптилар. Бу борада партиямизнинг VII курултойида батафсил фикр юритилди. Хулосалар асосида сайловолди платформамизнинг асосий қоидалари тасдиқланди. Уларни амалга ошириш, курултой қарорларини бажариш эса барчамиздан катта масъулият талаб этади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ПАРТИЯВИЙ ИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ —

давр талаби

Айримлар ўзининг депутатлик фаолияти ва партиявий ишларни алоҳида-алоҳида тушунадилар. Улар дастурий мақсадларимизни амалга оширишга бевосита дахлдор эканликларини ҳис этмаяптилар.

Партия кенгашлари ҳузурда ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари электорат билан янада яхшироқ муносабат ўрнатиш, уларни қийнаётган муаммолар ечимини топишда бизга жуда кўл келаяпти. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида туманимизда 179 киши Жамоатчилик қабулхоналарига турли масалалар билан мурожаат қилди. Хар бир мурожаат ортида инсон ҳаёти, тақдири борлигини яхши

ҳис этган ҳолда, аксарият сўровлар ижобий ҳал этилди. 6 та БПТда Жамоатчилик қабулхоналари мунтазам фаолият кўрсатиб турибди. Гулчехра Гаффарова, Ҳомид Муҳидов, Рўзибиби Эсанова, Пирим Севино сингари туман Кенгашига сайланган депутатларимиз қабулларда бевосита иштирок этиб, электорат вакиллари мурожаатларини тинглаб, уларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ушбу тузилманинг ташкил этилганга қарийб тўрт йил бўлмоқда. Ўтган даврда тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, Жамоатчилик қабулхоналарида иш услубини ҳам қайта кўриб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Курултойда сайловлар оралигиндаги фаолият таҳлил этилиб, ишимиз самарадорлигига хизмат қиладиган аниқ тақдирлар ўртага ташланди. Анжуман ўз-ўзини танқид рўҳида ўтгани, йўл қўйган камчиликларимиз ошқор муҳокама этилгани биз ўз фаолиятимиздан қониқмаётганимизни англатади. Бундан партия-мизнинг хар бир фаоли ўзига ҳулоса чиқариб олмоғи зарур, албатта. Партиявий ишга янгича ёндашув, янгича муносабатсиз дастурий мақсадлар, асосий гоёларни амалга ошириш мумкин эмаслигини партия-мизнинг хар бир аъзоси, хар бир фаоли, хар бир депутат, катта-ю кичик хар бир етакчиси чуқур тушуниб етиши керак, деб ўйлайман.

(Давоми. Боши 1-бетда)



13 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 27-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ва сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидаги сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Марказий сайлов комиссияси, сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқни таъминлаш мақсадида, сиёсий партиялар билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этувчи депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партияларнинг электрон ва босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилади.

Марказий сайлов комиссияси сайловчиларни сайлов кунини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар билан кенг таништириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит яратиш мақсадида ташвиқот плакатларининг намуналарини тасдиқлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бектемир туман кенгаши томонидан партия устав фаолияти, дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш, тарғибот ишларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари, партиянинг маҳаллардаги фаоллари, электорат ҳамда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— 2004 йилда бўлиб ўтган сайловлардан сўнг партия-мизда катта ислохотлар амалга оширилди, — деди туман партия кенгаши раиси Ҳабибулла Рўзиметов. — Бу олдими-зага белгилаб олинган вазифаларнинг амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугун эса биздан янада таъкилий уюшқоқлик талаб қилинмоқда. Энг асосийси, ўз позициямизни қатъий ҳимоя қилаётганимиз, электоратимизни ташвишлантираётган масалалар ечимини йўлида биргаликда курашаётганимизни кўриб бизни қўллаб-қувватловчилар, тарафдорларимиз сафи янада кенгайди.

— Партиянинг дастурий мақсадлари эзгу гоёлар билан йўғрилганини одамларга тушунтиришда гап

# ҲАР БИРИМИЗНИНГ ФАОЛЛИГИМИЗ янада кучайсагина партиямизнинг дастурий мақсадлари ҳаётда ўз ифодасини топади



кўп, — деди «Нуроний» жамғармаси туман кенгаши раиси, партиямиз фаоли Олимжон Дадабаев. — Кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ногиронлар, ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш кўп-

чиликнинг дилидаги гап. Тўғри, биз айтаётган йўналишларда мамлакатимизда жуда кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Махсус давлат дастурлари асосида чора-тадбирлар кўриляпти. Аммо биз уларнинг самарадорлигини янада оши-

риш, манзиллигини кучайтириш, жойлардаги ижросини бекаму кўст таъминлашга кўмаклашишимиз, унинг жамоатчилик назоратида фаол иштирок этишимиз керак. Бу йўналишда партиямизнинг ижтимоий шериклари билан ҳамкорликни янада

такомиллаштириш талаб этилмоқда.

— Айниқса, сайловолди кампанияси даврида бу ишларнинг аҳамияти жуда катта, — деди туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Лола Ярашева. — Туманимиздаги бизга хайрихоҳ, хар соҳада фаол хотин-қизлар, шижоатли ёшларнинг ташаббускорлигини ошириш ва улар имкониятларидан фойдаланиш ҳам мақсадимизга хизмат қиладди. Бунинг учун аввало, ЎзХДП дастурий вазифалари хотин-қизлар манфаатлари билан ҳамбарчас боғлиқ эканини уларга чуқур тушунтириб беришимиз зарур.

— Тарғибот гуруҳларининг ишини такомиллаштириш талаб этилади, — деди «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлими раҳбари Кўргонбой Холиқуллов. — Гуруҳ ишларини режа асосида олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Аввало, сиёсий партия аъзолари сони билан эмас, балки фаоллиги билан кучли

эканини эътибордан четда қолдирмайлик. Шунинг учун ҳам партиямиз хар бир аъзоси, ташкилотлари, сайланма органлари фаолларининг ташаббускорлигини янада кучайтириш талаб этилмоқда. Айниқса, электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида сиёсий куч атрофида янада мустаҳкам бирлашиб, қатъий билан ҳаракат қилиш дастурий мақсадларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Шунингдек, тадбирда туман тиббиёт бирлашмаси ходими, партия фаоли Шоира Алиева, Қуюв-механика заводидаги бошланғич партия ташкилоти раиси Равшан Исоқов ва бошқалар ҳам бу борадаги мулоҳазаларини билдирдилар, тақлифларини ўртага ташладилар. Шундан келиб чиқиб, туманда партиямизнинг сайловолди кампаниясини самарали ташкил этиш вазифалари белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ Сурат муаллифи Абдиров ҲАЙДАРОВ.

**Президентимизнинг шу йил 23 июнда қабул қилинган республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги муассасаларда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

Айни пайтда вилоятдаги мавжуд таълим муассасаларининг барчаси қиш мавсумига шай холатга келтирилди. Битта Мехрибонлик уйи мукамал таъ-

мирдан чиқарилди. Таълим муассасаларида иссиқлик таъминотининг меъёрида ва барқарор бўлиши учун

## МАВСУМ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТАДИ

42 қозонхона, 35 қозон таъмирланди. Ўттиздан ортиқ мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, 13 мактаб-интернатда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Белгиланган куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари тўлиқ амалга оширилди, — дейди Ангрэн шаҳар халқ таълими бўлими мудири Э.Қорабоев.

## Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

Иссиқликнинг доимий ва меъёрида бўлишида газ таъминотининг узлуқсизлиги билан бирга таълим муассасаларининг эшик ва деражада қай даражада мустақамлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мавсум олдида 45 дан зиёд мактабнинг деража ойналари янгиланди. Шунингдек, иккита мактаб,


иккита мактабгача таълим муассасаси ҳамда болалар ижодиёт марказининг томи таъмирланди. Иссиқлик етказиб берувчи 150 метр тизим изоляция қилиниб, 800 метр узунликдаги иссиқлик тармоқлари таъмирдан чиқарилди.

— Шаҳар, туман халқ таълими бўлими тасарруфидоги таълим муассас-

ларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари юзасидан мониторинг ўтказилиб, мавжуд камчиликларни бартафоз этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. — дейди Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Абдуҳамид Қаюмов. — Жорий йилда мавсум кўнгилдагидек ўтиши, илм масканларида болаларнинг қулай шароитда ўқиби, билим олиши учун барча шарт-шароит яратилди.

**Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири**

**Жанубий Американинг «TeleSur» телеканали маълум қилишича, жорий йилнинг 29 ноябрга белгиланган Гондураснинг бир палатали парламенти депутатлиги учун бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловларида қатнашишдан бош тортиб, 165 киши ўз номзодини қайтиб олди.**



## 160 ДАН ОРТИҚ КИШИ НОМЗОДИНИ ҚАЙТИБ ОЛДИ

Бу ҳокимият тепасида турган «пучга» тарафдорларига қарши норозилик белгиси сифатида баён қилинмоқда. Ўтган ҳафтанинг бошида президентликка номзод Карлос Рейес ҳам ўз номзодини қайтиб олди.

Бир неча кун аввал халқро ҳамжамият Гондураснинг ҳозирги раҳбариятини оголантириб, агар шу йил ёзда тахтдан ағдарилган давлат бошлиғи Мануэл Селайнинг ваколати парламент сайловларига қатнашмаса, сайлов натижаларини тан олмаслигини билдирганди.



Маълумки, шу йил 28 июнда Гондурас президенти М.Селай мамлакат куролли кучлари раҳбари Роберто Мичелетти бошчилигидаги ҳарбийлар томонидан амалга оширилган давлат тўнтариши оқибатида тахтдан ағдарилган. Айни дамда Р.Мичелетти давлатни бошқариб турибди.

## ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

тарафдорлари ҳам бор

**Қирғизистонда ўлим жазосини қайта тиклаш масаласи кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда, дея хабар беради «Независимая газета».**

Депутатларнинг айримлари ўлим жазосини жиноий жазолар турига умуман киритмаслик фикрини илгари сураётган бўлса, айрим депутатлар эса аксинча, ўлим жазоси қайта тикланишини талаб қилмоқдалар. Масалан, ҳукмрон «Ак жол» партияси вакиллари 11 ноябрь кунини ўлим жазосини қайта тиклаш учун овоз берди.

Уларнинг фикрига қараганда, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганларни қамоқхоналарда сақлаш давлат газнасига қимматга тушмоқда. Айни

пайтда республикада умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар 196 нафарни ташкил этади. Бу маҳбусларни қўриқлаш ва бошқа харажатлар учун бир йилда анча-мунча маблағ сарфланади. Ашаддий жиноятчинини шунча маблағ эвазига қамоқда сақлашдан кўра отувга ҳукм қилинган афзалроқ, деган фикрдаги депутатлар ҳам бор.



## Қарор ва ижро

## КОЛЛЕЖЛАР ЯНАДА КЎРКАМ БЎЛАДИ

**Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 6 августда қабул қилинган «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга оид дастури тўғрисида»ги қарори асосида Наманган вилояти марказида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.**

Шаҳардаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари биноларини, ўқув устaxonаларини замонавий материаллар билан таъминлаш, коммуникация тармоқларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан ўтказилган республика семинар-йиғилиши шу масалага бағишланди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари вилоятда, хусусан, Наманган шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик, таълим муассасалари қурилиши, бугунги кун талаби асосида таъмирланиши борасидаги ишлар ва галдаги вазифалар билан танишди.

— Наманган шаҳридаги йиғирма битта коллеждан ўн иккитасида фасадни ўзгартириш, худудларини ободонлаштириш, коммуникация тармоқларини яхшилаш ниҳоясига етказилди, — дейди Наманган вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи О.Саримсоқов. — Қолган ўқув масканларида қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

**А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири**



**Давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Хўжайли туманида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

«Саманкўл» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида 12,5 гектар ер майдони ажратилиб, бош лойиҳа ишлаб чиқилди. Айни пайтда «Элнинг кўрки қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда 20 уй қурилиб фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

**Суратда:** Хўжайли туман бош архитектори Калбой Утегенов ва участка бошлиғи Караматдин Жаумитбоев иш устида.

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат.**

## МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

**ҳўйидаги иншоотга пўдратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

**«Бухоро шаҳрида 360 ўқувчи ўринга мўлжалланган М.Ашрафий номидаги санъат касб-ҳунар коллежи қурилиши» (маданият йўналиши)**

Буюртмачининг бошланғич нархи: ҚҚС билан — 5243150,635 минг сўм.

ҚҚСсиз — 4369292,195 минг сўм.

Қурилиш муддати — 9 ой.

Қурилиш ишлари Республика бюджетни ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй.

Тел: 223-63-26, факс: 223-63-23.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак:

танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пўдратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинди: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт

қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашни ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчиси га тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кунини ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банкнинг жойлардаги филиаллари орқали қишлоқ аҳолисига, 8ш оилаларга 600 миллион сўм миқдорда «Истеъмол», «Ипотека», «Микрокредит», «Оила фаровонлиги» каби имтиёзли кредитлар ажратилди. Кимдир ушбу кредит эвазига Навоий шаҳридан 2-3 хонали уй харид қилган бўлса, бошқаси ер участкаси, уй-рўзгор жиҳозлари, мебеллар сотиб олди.

## МИЖОЗЛАР МАНФААТИ

бош масала дейишмоқда Халқ банкнинг Навоий вилояти филиали жамоаси

— Мен шу банкнинг мижозиман, — дейди Қизилтепа туманидаги «Бинокор нишг сервис» МЧЖ раҳбари Абдоржон Асроров. — Филиалнинг 25 миллион сўмлик узоқ муддатли кредити эвазига пишиқ нишг ишлаб чиқариш линияси сотиб олиб, ўн нафар маҳаллий ёшларни доимий иш билан таъминладим. Ҳозирда корхонамизда ишлаб чиқарилаётган пишиқ ва хом нишглар нафақат Қизилтепа, балки Навбахор, Қармана, қўшни Гиждувон туманлари қишлоқлари қурилишида, асқотаяпти.

— Ишни нимадан бош-

лашни билмай, қийналиб юрган пайтимда филиалнинг 50 миллион сўмлик кредити жонимга аро кирди, — дейди навбахорлик Неймат Ражабов. — Кредит эвазига «Мунис умиди» кичик корхонаси ташкил этиб, қишлоқ туманида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Хориж технологияси асосида ишлаётган бу кичик нон заводида ҳозирда 15 нафар йигит-қиз самарали меҳнат қилаяпти.

Бундай шукроналик билан айтилган дил сўзларини қарманалик Азизжон Нейматовдан ҳам эшитдик. У банкнинг 70 миллион сўмлик кредити эвазига ажойиб иссиқхона яратишга муваффақ бўлибди. Хусусий теплица ҳўжалигида ҳозир ўнлаб ёшлар қиш ва куз ойларида ҳам сархил помидор ва бодринг етиштираяпти. Бунга яна «Булоқсой чашмаси», «Эрудит плюс» кичик корхоналарини ҳам қўйиши мумкин.

— Мақсадимиз мижоз манфаатини ҳимоя қилиш экан, улар билан ҳамкорликда ишлагани янада ривожлантираверамиз, — дейди филиал бошлиғи Азаматжон Ҳакимов. — Жойлардаги

минтақавий шаҳар ва туман филиаллари ҳамда мини банкларимизни кўшиб ҳисоблаганда капитал қўйилмағимиз, яъни айланма маблағимиз миқдори 15 миллиард сўмдан ошиб кетади. Мижозларимиз сони эса 2214 тадан иборат. Жорий йилнинг ўтган даврида улар сони 150 тага кўпайди. Қишлоқларда замонавий инфратузилма яратиш мақсадида 111 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Шунингдек, Озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш мақса-


дида 264 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Натижада жойларда 120 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ нақд пулсиз фаолият юритиш, мўқобил пул муомаласига эришиш мақсадида жойларда 80 дан ортиқ терминаллар, 2700 тадан зиёд пластик карточкалар қўлланилмоқда.

**Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. 1**

## ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

Объявляет тендер № 10, 2009 года на приобретение материалов верхнего строения пути по ниже следующим лотам согласно графика поставки (с 4 квартал 2009 года по 2 квартал 2010 года).



Лот № 1.Рельсы магистральные железнодорожные Р-65 Т1 длиной 25м (с отверстиями) в количестве 14 000 тонн.

Лот № 2.Стрелочные переводы Р 65 1/11 по проекту № 2433 в количестве 29 комплектов.

Лот № 3.Стрелочные переводы Р 65 1/9 по проекту № 2434 в количестве 36 комплектов.

Лот № 4.Переводные брусья деревянные пропитанные А3 (Р65, 1/11) тип 1в в количестве 29 комплектов.

Лот № 5.Переводные брусья деревянные пропитанные А4 (Р65, 1/9) тип 1в в количестве 36 комплектов.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлинига таъмин», комната 410 тел: 237-94-72, 237-96-33, тел/факс 140 00 23

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

# ХУРРИЯТ ВА ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

## 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



Хар бир давлат суверенитетини белгилайдиган рамзалар бор. Давлат байроғи улар орасида алоҳида ўрин тутди. Зеро, байроқ халқнинг ўтмиши ва бугуни, мустақиллиги, тинчлиги ва барқарорлигининг тимсолидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганининг дастлабки йилданок мамлакат суверенитетининг муҳим белгиси — Давлат байроғига эга бўлди. 1991 йил 18 ноябрь куни «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бош қомусимизнинг 5-моддасида мамлакатимиз ўз давлат рамзи — байроғига эга бўлиши мустақам белгилаб кўйилган.

Қадимдан юртимиз давлатчилигида байроқ ажодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, галаба тимсоли бўлган. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида давлат туғи адолат, буюк куч-қудрат рамзи ҳисобланган. Жангу жаддаларда юксак мардлик ва жасорат белгиси сифатида энг кучли баҳодирларга ҳада қилинган. Бомиз Наҳмиддин Кубро ёв қўлида шахид бўлса-да, маҳкам тутган хурлик яловини ҳеч ким ололмаган. Шу боис, давлат байроғини муқаддас билиб, кўзга суртадилар, унинг қарши-сида тиз чўқадилар.

Ўн саккиз йилдан буюн Ўзбекистон байроғи ҳар бир ватандошимиз учун фахр-ифтихор, йилдан-йил салоҳияти ошиб бораётган буюк давлатимизнинг миллий рамзидир.

Давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳоний кўргазмаларда, спорт мусобақаларида Ўзбекистоннинг тимсоли сифатида хилпираб туради.

Президентимиз Ислоҳ Қаримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, салоҳияти, хорижий давлатлар билан изчил ҳамкорлиги тобора ривожлан-

моқда. Зеро, Ўзбекистон ташқи сиёсати тинчлик, ҳамкорлик ва ўзаро тенглик тамойилига асосланган. Президентимизнинг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ўша юрт кўчалари бўйлаб байроғимиз хилпиради. Мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро аҳамиятга молик тадбирлар, саммитлар, анжуманлар, спорт мусобақаларида байроғимиз баланд кўтарилади. Буларнинг барчаси Ватанимиз шайни, халқимиз гурури ва ифтихорининг ёрқин ифодасидир.

Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида, давлатимизнинг хорижий мамлакатлардаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консулли муассасалари бинолари олдида хилпираб турган, миллий ҳаво кемаларимизга тасвири туширилган Ўзбекистон байроғи барчамизда фахр-ифтихор, шукроналик ҳиссини уйғотади.

Давлатимиз байроғида

акс этган ҳар бир ранг, белги юртимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз, бебаҳо қадриятларимизни, Ватанимизнинг буюк келажагини ифода этади.

Байроғимиздаги мовий ранг мусаффо осмонимизни, куч-қудратимизни, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлиқни акс эттиради. Оқ ранг азалдан поклик, беғуборлик, гўзалликни ифодалаб келган. Яшаринг ва янгиларида она табиятимиз тимсоли бўлган яшил ранг жаннатнондан юртимиз тароватига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Байроқдаги хил ва ўн икки юлдуз чуқур маъназмунга эга. Зотан, янги ой, кексаларимиз ният қилганидек, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик барқарорлигининг ифодасидир. Юлдузлар эса беғубор само,

ўн икки ой, ўн икки бурж белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатиш, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилиниши қонунга асосан муҳофаза қилинади.

Бугун жаҳоннинг юксак минбарларида, дунё саҳнасида, Олимпия ўйинларида голибликни қўлга киритган спортчиларимиз, тобора улкан куч-қудрат ва салоҳият касб этаётган ҳарбийларимиз қўлида сарбаланд бўлган юртимиз байроғи ҳар биримизга юксак гурур, фахр-ифтихор бағишлайди. Ана шундай лаҳзаларда қалбларимизда шу байроққа, унинг тимсолига она Ватанимизга бўлган чексиз ҳурмат, чуқур дахлдорлик ҳисси жўш уради.

Дунёда миллат ва эллар, халқлар ва давлатлар кўп, лекин Ўзбекистон битта. Унинг байроғи ҳам ягона. Ана шу байроқ остида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида халқимиз учун ҳеч қандам кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлида, эзгу мақсадлар сари олға бораверамиз.

**Хусниддин БЕРДИЕВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси.**

### BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

### TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
- Latif G'ULOMOV
- Asliddin RUSTAMOV
- Bobir ALIMOV
- Sharbat ABDULLAYEVA
- Murodulla ABDULLAYEV
- Ulug'bek MUSTAFOYEV
- Tat'yana KISTANOVA
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- G'afur HOTAMOV
- (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Muslihiiddin MUHIDDINOV
- Svetlana GERASIMOVA
- Andrey KUSTOV
- Ochilboy RAMATOV
- Saidahmad RAHIMOV

### MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

### BO'LIMLAR:

- Partiya hayoti 233-10-13
- Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
- Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
- Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
- Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
- Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

### VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70
- Buxoroda — 223-06-02
- Gulistonda — 25-46-45
- Jizzaxda — 227-48-35
- Navoiyda — 223-83-73
- Namanganda — 226-45-21
- Nukusda — 222-77-21
- Samarqandda — 35-02-55
- Urganchda — 517-30-58
- Farg'onada — 224-18-78
- Denovda — 8-37641-23-780

### MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma toboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» matbuotini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Davron BAХРОНОВ, «O'zbekiston ovozi» muxbiri.

Г — 1049 8230 nusxada bosildi T — Tjorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 21.20 Topshirilgan vaqti — 23.00

1 2 3 4 6 7 8

Sotuvda erkin narxda

### ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРЛАРИ

Давлат ЧОРИЕВ:


## «КУРАШ ОЛИМПИАДА СПОРТ ТУРИГА АЙЛанаДИ»

Шу йилнинг октябрь ойида Украинанинг Алушта шаҳрида кураш бўйича ўтказилган VII жаҳон чемпионатида Давлат Чориев (100 кг.) ўз вази тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Бу унинг илк галабаси эмас. Давлат илк мартаба 2002 йили Ереванда ўтган жаҳон чемпионатида 90 кг. вази тоифасида кумуш медал билан тақдирланган. Сўнгра 2005 йили Тошкентда, орадан икки йил ўтиб эса Улан-Батор (Мўғулистон)да ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган.

ҳамда Грециядан ташриф буюрган полвонларга қарши гиламга чиқдим. Ярим финалда россиялик, финалда эса грециялик курашчилар устидан галаба қозониши учун анча тер тўкишимга тўғри келди.

— Эшитимизча, грециялик рақибингиз Илиадис сизни матчеванга тақлиф қилибди?!

— Халқимизда йиқилган курашга тўймайди, деган гап бор. Илиадис келаси йилнинг қишида Грецияда махсус кураш-шоу ташкил этиб, менга қарши гиламга чиқмоқчи экан. Бунгача ҳам у билан икки мартаба беллашиб енгганман.



— Мен туғилиб ўсган Бойсун туманининг Даштигўз қишлоғида ҳар бир йил болалигидан курашни бўламан деб орзу қилади. — дейди Давлат Чориев. —Тўйларимиз курашсиз ўтмайди. Саккиз ёшимдан бери кураш тушаман. Аввал тўй давраларида бел олишиб юрдим. Чинакам курашни бўлиб улгайишимда эса ҳамқишлоғим, биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир Мухаммадиевнинг ҳиссаси катта бўлган. Биз Тоштемир ака билан биргаликда мураббий Холиёр полвондан кўп нарсаларни ўрганганмиз. Тошкентда ўтган талабалик йилларим эса курашнинг сифатида ўзимни мамлакат ва халқаро миқёсда кўрсатишим учун катта имконият яратди.

— Сиз кураш бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони, шунингдек, мамлакатимизда талабалар ўртасида ўтган Универсиада баҳслари голиби ҳам саналасиз...

— Аввалига Тошкент давлат аграр университетидан таълим олдим. Сўнгра Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаганман. Шу йиллар давомида талабалар ўртасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этдим. Шунингдек, мамлакат чемпионати, Ўзбекистон кубоғи ва турли халқаро турнирларда беллашиб, голиблик учун курашдим.

— Алуштада ўтган жаҳон чемпионатида қандай таассуротлар билан қайтдингиз?


— Алуштада Ирок, Сингапур, Россия

Шунга қарамай мен рақибимга ҳурмат билан қарайман. Илиадис нафақат кураш, балки дзюдо бўйича ҳам катта маҳоратга эга. У жуда тез ҳаракат қилади. Вази ҳам, ёши ҳам мен билан тенг.

— Давлат, ҳар бир халқ ўз спорт турининг Олимпия ўйинлари дастурига киришини орзу қилади. Сиз юқорида курашимиз тобора тараққий этаётганини ҳақиқат тўғрисида қандай таъсир қиласиз?

— Буни икки оғиз сўз билан ифодалаш қийин. Қисқа фурсатда кураш дунёнинг беш қитъасини забт этганлигини бугун барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Яқинда Вьетнамда ёпиқ иншоотларда ўтган III Осиё ўйинларидан курашнинг расман жой олганлиги бизни беҳад қувонтирди. Бунгача Пан-Америка ва Африка ўйинларида курашчилар медаллар учун гиламга чиқишаётган. Буларнинг бари яқин орада кураш бўйича дунё полвонларининг Олимпиада медаллари учун ҳам баҳс юритишларини тезлаштирса ажабмас. Бундан ташқари, юртимиз умумтаълим мактабларида ҳам кураш дарслари йўлга қўйилиши тўғрисида қарор чиқарилганлигини эшитиб, янада хурсанд бўлдим. Кураш келажақда нафақат ўзбекининг, балки дунё халқларининг сеvimли спорт турига айланишига ишонаман.

Эркин ХОЛБОБОВ сўзбеллашди. Суратда: Давлат ЧОРИЕВ (ўнгда) Мухаммад АМИН ЎЗА олган сурат.



Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзбекитобсавдо» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Республика ўқувчилар саройида ташкил этилган бу йилги кўргазмада юртимиздаги етакчи нашриётлар уларининг янги дарсликлари, ўқув қўлланмалари, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бадиий адабиётлари билан иштирок этмоқда.

Чунончи, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», F.Ғулом, Чўпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти кўргазмага жами 152 номдаги 1611 та дарслик, 92 номдаги 1288 донга турли мавзудаги адабиёт ва плакатларни тақдим этган.

Президентимизнинг 2006 йил 31 майдаги «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги Қарорига мувофиқ ҳар йили ноябрь-декабрь ойларида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек, барча вилоят марказларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг кўргазма-ярмаркалари ўтказиб келинмоқда.

## МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ

### Кўргазма

— Ушбу кўргазма-ярмарка йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг етакчи муҳаррири Мақсуда Минаҳмедова. — Хусусан, бу гали «Китоб байрами»да нафақат умумтаълим мактаблари, балки касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари учун нашр этилган дарсликлар ҳам намоиш этилмоқда. Шу билан бирга

ушбу тадбирда янги кўргазма-ярмарка юр-китобларнинг тақдирот маросимлари



ҳамда, уларнинг муаллифлари билан ўқувчилар ўртасида ўзаро ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Таъкидлаш жоизки,

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## Маданий мерос

Қадимий шаҳарлар асосан уч қисм: арк, шахристон ва работдан ташкил топган. Уларнинг атрофи мустақам деворлар билан ўраб олиниб, дарвозалар ўрнатилган. Хусусан, VIII-XVII асрлар давомида қўҳна Бухорода Ҳазрати Имом, Толипоқ, Ҳалон, Шерғирон, Қорақўл, Мозори Шариф, Қавала, Хўжа, Намозгоҳ, Саллахона, Шайх Жалол, Форжак номли ўн иккита дарвоза бўлган.

## БУХОРО ДАРВОЗАЛАРИ ҚАЙТА ҚАД РОСТЛАМОҚДА

— Мазкур дарвозаларнинг ҳар бири ўзига хос мезморий услубда барпо этилган, — дейди биннокор Исмат Муҳсинов. — Аввало, кўмир кукунни, қамишнинг кули, оҳақ-ганч, қум ва сувдан иборат қоришма тайёрланиб, ўн икки соат давомида қайнатилган. Ушбу қоришма дарвозаларнинг мустақамлигини таъминлаб, ўзидан нам ўтказмаган. Иншоотнинг пойдевори устига бўйра ёки қамиш ётқизилган 25x25 см. ўлчамдаги гишлар икки қатор қилиб терилган. Сўнгра иккита «ғулдаста» ясалиб, арка, тилпан, китоба, дандоналар қалъа деворининг

бандлигига тенглаштирилган. Асрлар давомида дарвозаларнинг номи ва ўрни ўзгариб турган. Дарвозалар бомдод номидан сўнг очилиб, хуфтонда бекитилган Шаҳарга келадиган турли тоифадаги одамлар назоратдан ўтказилган. Шу билан бирга дарвозалар ўзига хос боғжона вазифасини ҳам ўтаган.

Шаҳарнинг шимол қисмида жойлашган Самарқанд дарвоза ўзининг маҳобати ва нафислиги билан алоҳида ажралиб турган. У 1541-1549 йиллар давомида қурилиб, 1557-1560 йилларда қайта таъмирланган. Унинг яқинида араваозлик ва ёғоч бо-

зори жойлашган. Бухоронинг қадимий дарвозаларидан яна бири Шайх Жалол ҳам пири Шайх Жалолдинга атаб 1549-1550 йилларда барпо этилган. Дарвоза атрофида кўркам боғ-роғлар яратилган. Бирок, мустабид тузум даврида шаҳарнинг юқорида таъкидланган ўн иккита дарвозаси даярли ер билан яқсон қилинди. Фақат уларнинг пойдеворларини сақлашиб қолди.

Шукри, кейинги йилларда Бухоронинг кўп қисми тарихий обидалари қаторида миллий мезморчилигимиз бетақорр намуналари ҳисобланган қадимий дарвозалар ҳам бирин-кетин қад ростламоқда. — Кўли гул мезморларимизнинг меҳнати эвазига шаҳримизнинг Самарқанд ва Шайх Жалол дарвозалари ўзининг илк мезморий қуринишида қайта тикланди, — дейди вилоят маданий мерос иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси ходими Бахтиёр Порсоев, — яқин ойлари ичиде Саллахона дарвозаси ҳам янгидан бунёд этилади.

Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хоразм вилоят «Тадбиркор Аудит» масъулияти чекланган жамиятининг уч тасисчиси ўз улушини олганлиги сабабли устав жамғармаси 118 млн. сўмдан 52 млн. сўмга камайтирилганлигини эълон қилади. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23 уй. Телефон: (8-362) 226-86-41

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «SARDOR DIPLOMANT» хусусий корхонаси устав жамғармаси 2.500.000 сўмдан 100.000 сўмга камайтирилганини эълон қилади.